



Сенатнинг ўн бешинчи
ялпи мажлиси 28-29 май куни

утказилади.



Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича маҳсус вакили **Питер Бурган** мамлакатимизга ташрифи доирасида **бир қатор учрашувлар** ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Ташкин шилар вазири **Абдулазиз Комилов**, Россия Федерациясининг Фавқулодда ва Мухтор Элчisi **Oleg Malginov**ни қабул қилди.



25 май куни Термиз шаҳрида Афғонистон ҳукумати ва ишбильармон доираларининг Ўзбекистонга ташрифи давомида Ўзбекистон бош вазiri ўринбосари – инвестициялар ва ташки савдо вазiri **Сардор Умрзоқов** Афғонистон Президенти администрасиюни раҳбари **Муҳаммад Шоқир Коргар** билан музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси «Хунарманд» уюшмаси раиси **Улғебек Абдуллаев** Туркия Саводгарлар ва хунармандлар конфедерацияси президенти **Бендеви Паландүкен** билан Zoom дастури орқали онлайн мулоқот қилди.

Ўзбекистон Бадийи академиясининг Икуо Хирама халқаро маданият карvon саройида Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари бўлиб ўтмоқда.



Марказий Осиё халқаро институти ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси хамкорликiga «Марказий Осиёда сув масалалари бўйича миңтақавий хамкорликни мустаҳкамлаш» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



Бухорода жорий йилнинг 28-30 май кунлари халқимизнинг бебаҳо меросини дунгэга кўз-кўз этувчи анъанавий «Ипак ва зирраворлар» фестивали бўлиб ўтди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Келгуси сонларда ўқинг...



Фидойиликни талаб қиласидиган касб



Етти ўлчаб, бир кесайлик ёхуд янги алифбомиз ҳақидаги эски ўйлар

2021 йил
27 май
пайшанба
**№ 70
(4510)**

Юрт тараққиётни йўлида бирламишлик!

Ishonch

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартадан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Халқаро делегация билан учрашув

Шу йилнинг октябрь ойида юртимизда ўтадиган Президент сайловлари нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки халқаро ҳамжамият учун ҳам катта қизиқиш ўйғотмоқда. Шу боисдан сиёсий партиялар ва жамоатчилик билан биргалиқда хорижлик кузатувчилар, халқаро ташкилотлар ҳам юртимизда ўтиши кутилаётган ушбу муҳим сиёсий жараёнга ўзига хос тайёргарлик кўрмоқда.

Куни кечада юртимизда маҳсус ташриф билан келган Европада хавфисизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон хукуклари бўйича бюроси Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси катта маслаҳатчisi Алексей Громув бошчилигидаги делегация Миллий матбуот марказида мамлакатимиз оммавий аҳборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Унда делегация аъзолари миллий сайлов қонунчилиги, киритилётган янгиликлар

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Ўзбекистон
касаба
уюшмалари
Федерациясида
куну тун
фаолият
курсатадиган

12-11

қисса рақамли
«Ишонч телефони»,
яъни
«Call-center»га
мамлакатимизнинг
турли ҳудудларида,
олис ва чекка
қишлоқларида
яшаётган
хотин-қизлар
ўз муаммолари
бўйича исталган
вактда мурожаат
қилишлари
мумкин.



Юртим манзаралари




НЕФРИТ КҮЛИГА САЁҲАМ

Бўстонлиқ тумани ҳудудидаги «Угом-Чотқол» миллий боғида ҳалқ орасида Нефрит кўли номи билан машҳур кўллар бор.

Ушбу кўллар денгиз сатҳидан 1227 метр баҳандлиқда жойлашган, бу ноёб табиият сув ҳавзасидан Ургонч кўллари, деб ҳам атасади. Кичик Ургонч кўлидаги сувнинг ҳарорати 7-8 даражадан ошмайди ва

юнори Ургонч кўли ҳеч қандай жонзор яшамайди. Узунлиги уч юз эллик метр, эни етмиш сакзис метр, чуқурлиги ўн метр атрофида. Ундан бошقا яна бир Юқори Ургонч кўли ҳам бор. Иккى кўл бир-биридан катталағи, ўлчами билан фарқ қиласади.

«Ishonch»нинг келгуси сонларида ушбу кўлларга биргалиқда саёҳат қиласади...



Мажбурий мөхнат жаримаси

Ходимни ўз ихтиёрисиз хизмат мажбуриятига кирмайдиган ҳар қандай иш – ободонлаштириш, мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ва қурилиш ишлари, турли тадбирларга жалб қилиш мажбурий мөхнатнинг кўринишларидан бири. Ҳеч ким шахсни «ишидан бўшатаман», «ойлигини қирқаман», «мукофотдан маҳрум қиласаман» деган таҳдидлар билан мажбурий мөхнатга жалб қилишга ҳақли эмас.

Мехнат кодексининг 7-моддасида мажбурий мөхнат, яъни бирон бир жаҳони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан, мехнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбуrlаш тақиқланishi belgilangan.

Мажбурий мөхнатга жалб қилиш «Маймурий жавобгарлик тўғрисида» ги кодексининг 51-мод-

дасига асосан, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади. Худди шундай ҳукуқбузарлик воғига етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 бараваридан 100 бараваригча миқдорда жарима, агар ушбу ҳаракат маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган

Феруза АБДУЛЛАЖОНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси
Мехнат инспекциясининг
Фарғона вилояти бўйича мөхнат ҳукуқ инспектори

бўлса, БХМнинг 100 бараваридан 150 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилгача миъайн ҳукуқдан маҳрум қилиш ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиша олиб келиши мумкин.

Айни пайдада Фарғона вилоятида

мажбурий мөхнатнинг олдини олиш

ва иш вақтига риоя қилиш мақсадида

ташкилот ва миассасаларда

мониторинг ишлари бошланди. Бундай кўзланган мақсад эса мажбурий

мөхнатнинг олдини олиш ва унга йўл кўймаслиқиди.

Феруза АБДУЛЛАЖОНОВА,

Ўзбекистон касаба уюшмалари

Федерацияси

Мехнат инспекциясининг

Фарғона вилояти бўйича мөхнат ҳукуқ инспектори

Хоразм вилояти

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши вилоятдаги ёшларни кўллаб-қувватлаш мақсадида қатор хайрли ишларни амалга ошироқда.

Касаба уюшмаси ва ёшлар

Даҳлдорлик туйғуси

Xусусан, олий таълим миассасаларида таҳсил оләтган ижтимоӣ ҳимояга муҳтоҳ, иқтисорли талабаларни кўллаб-қувватлаш мақсадида «Касаба уюшмалари стипендияси» таъсис этилб, унга кўра, танлаб олинган талабаларга мөхнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,75 бараварига тенг стипендия тўлаб бериси ўйла гўйилмоқда.

Касаба уюшмалари аъзоларининг ижтимоӣ-иқтисодий, ҳукуқий мағфаатларини ҳимоя қилишида фоълий кўрсатиб келаётган ёки иммилар, болалиқдан ногирон бўйган ёки етим, ижтимоӣ ҳимояга муҳтоҳ 1 нафар ёш ишловчи ходимни соғломлаштириш учун бегуз йўлланма ажратилиши белгиланди.

Мөхнат муҳофазаси ва хавфисизлиги бўйича жамоатчилик назоратни ташкил этиши юзасидан республика кўрик-танлови доирасида «Мөхнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» номинацияси ўтказилди. «Ёнлар дафтари»га кирган, ижтимоӣ ҳимояга муҳтоҳ ёшларнинг 50 нафари Самарқанд вилоятiga саёҳатта олиб борилди.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёшларда ватанпарварлик, юрт тараққиётига даҳлдорлик туйғуларни юксалтиришга муносабиҳи ҳисса кўшишига шубҳа йўқ.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Хоразм вилояти кенгаши раисининг
ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИННИГ ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУНУ КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 –
қисса рақамли «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га

мөхнат муносабатлари бўйича ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Бу ерда барча фуқароларга белуп юридик хизмат кўрсатилади.

Мөхнат муносабатлари, айниқса, мажбурий мөхнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!



Сирдарё вилояти



– Айни пайтда «Янгие» санаторийсида дам олмодаман, – дейди Мирзаобод туманидаги 21-мактаб директори Хикоят Омонбоева. – Мени кўпдан берি оёғ отриги безовта қиласр эди. Шифокорларнинг тавсияси билан муолажаларни бошлаганимга кўп бўймаган бўлса-да, ўзгариш катта.

– Илгари вилоятимизда биронта санаторий йўқ эди, – дейди Беёвту туманидаги 11-мактаб директори Жўрабек Эгамбердиев. – Мана, нихоят бизга ҳам шундай кўрким ва муҳташам сиҳатохлар насиб этиди. Бу ишларга бош-қош бўлган мутасаддиларга ташаккур.

– Кўп йиллик фаолиятим давомида дам олиш, даволаниш учун вақт ва имкон топиш қўйин

бўлган, – дейди Гулистон туманидаги 30-мактаб директори Уккам Шербеков. – Масъулларнинг фамхўрлиги туфайли «Янгие» санаторийсида ҳордиқ чиқариш насиб этиди.

Маълумот ўрнида қайд этиши жоиз, йил давомида бу масканда 344 нафар таълим фидойисини бепул соғломлаштириш режалаштирилган.

Шахринисо ЖУМАЕВА,
Мирзаобод туманидаги
1-умумтаълим мактаби директори



Тадбир

Имконияти чекланганлар учун чекланмаган имкониятлар

Президент Шавкат Мирзиёев 18 май куни «Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.



Мазкур ҳуҗжатга мувофиқ барча турдаги спорт таълим мұассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун спорт бўлимларини босқичма-босқич ташкил этиш ҳамда иктидорга эга жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни танлаб олиш, уларни спорт турларига йўналтириш, тайёрлаш ҳамда олий спорт маҳоратига эришиши таъминловиши узлуксиз ягона комплекс тизими жорий этиш белгиланди.

Паралимпия спорт турлари бўйича малакали мутахassislarни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш ҳамда иммий тадқиқотлар олиб бориш кўзда тутилган. Шунингдек, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий кўллаб-куватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларини рабbatлantirish, жисмоний вижтимоий мослашви интеграциясини дастурли-устубий таъминлаш режалаштирилмоқда.

Спорт таълим мұассасаларида (шу жумладан, олий таълим мұассасаларида) фаолият юритаётган паралимпия спорт турлари бўйича мутахassislarning меҳнатига ҳақ тўлаш ва рабbatlantirishni тизимини куҷайтириш каби масалалар ёзилади.

– Бир неча йил бурун бахтисиз ҳодиса оқибатида поезд йўлида иккى оғимдан ажралдим. Спортини параканоэ тири билан 6 йилдан бўён шуғулланаман. Бу ҳаракатларим бесамар кетмади. Тўрт карра Осиё чемпиони, уч карра Жаҳон кубоги сорвондорман, – дейди 1-группу ногирони Азизбек Абдулхабиров. – Давлатимиз раҳбари ҳар бир интилишларимизга ёрдам берәтганидан чексиз хурсандман. Келажакда янада юксак мэрраларни кўзлаяйтманди.

Имконияти чекланган болалар учун ихтиосослаштирилган таълим мұассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ўқувчilarни ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича мусобакалар, таникли спортчilar томонидан маҳорат дарслари, семинар, конференция ва давра сухбатлari ўтказилиади.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

Ёшлар ва касаба уюшмалари

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан жорий йилда Шароф Рашидов туманидаги 1-сони касб-хунар мактаби ҳамда Жиззах хизмат кўрсатиш ва сервис техникумини битирган ёшлар ишлаб чиқариш корхоналарида бўлишиди.

Битирувчилик учун фойдали саёҳат

Битирувчilar дастлаб «Жиззах» ёрkin иктиносидой зонынисида «Jizzax - Kenteks» МЧХга қарашли тўқимачалик корхона фаoliyati билан танишишиди. Улар корхонада Швейцария, Япония ва Турkiядан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида суткасига 30 тонна ип-калава тайёрланиши, 985 нафар ишчи-ходимларнинг 85 физизини ёшлар ташкил этиши ҳақидаги маълумотларга эга бўлишиди.

– Ушбу саёҳатдан кўзланган мақсад ёшларни тадбиркорлик субъектларидаги буш иш ўринларидан боҳабар этиш ва уларда тадбиркорлик кўнкимларини шакллантиришдан иборат эди, – дейди Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Жиз-



зах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Мамадали Қулбоев.

– Шунга кўра, саёҳат давомида иштирокчilarga ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тадбиркорлик фаолиятини юритиш тартиб-қоидлари ҳақида кенгроқ тушунчалар беришга ҳарарати қўйдик.

Битирувчilar «ROISON HOME WHITE» кўшма корхонаси, «Jizzax-Toshtera Textile» МЧХда ҳам бўлишиди. Тадбир давомида уларнинг 3 нафари кўшма корхонада ишлашга таклиф этилди. Ўкув даргоҳлари раҳбарлari «Jizzax - Kenteks» МЧХ маъмуриятiga ишлаб чиқариш амалиётини шу корхонада ўташ юзасидан келишиб олишиди.

Муқимбай ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»



Энг яхши маъруза

Пойтахтимизда ўтказилган «Central Asia – 2021. Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари» XIV ҳалқаро конференцияси доирасида «Ахборот-кутубхона хизматларида инновацион усуллар» мавзусига бағишиланган шўъба йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Ботаника санаторийси» МЧХ кутубхона начиси Севара Эшонкулованинг

Эътибор



Миннатдорлик

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси ташаббуси билан «Кўхинур» санаторийсида тиббиёт мұассасаларининг 50 нафар ҳамшираси бепул соғломлаштирилмоқда.

Улар учун маданий-маърифий тадбирлар, Тошкент вилюятининг диккатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этиляти.

– Яхши дам – меҳнатга ҳамдам, деганларидек, бир неча йилдан бўён аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилаётган биз каби ҳамширларларга ҳам ишдан ортиб, шундай гўзал масканларда

Маҳмуда МУРЗАЕВА,
Санатор-курортлар бошқармаси бош мутахассиси



«Сурхондарё сув таъминоти» масъулияти чекланган жамияти Жарқўрон тумани бўлими 3 нафар назоратчиси, яъни Шерқобил Шарипов, Норбой Бердиёров ва Норбек Ҳазратқулов шу йилнинг 1 апрель куни кутилмагандан ишдан бўшатилди...

Касаба уюшмаси аралашгач...

Тикланган адолат тантанаси

Кўйилган айб эса кўйидагича эди: ишлари қониқарсиз, дебитор қарздорлик кескин ўсиб кетган...

Назоратчilar Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Сурхондарё вилояти кенгашига ҳақ-хукуклари тиклаб берилшида амалий ёрдам сўраб, мурожаат қўйиди.

Мурожаат атрофлича ўрганиб чиқилди. Ишдан ноҳақ бўшатилган назоратчilar ўз ишларини яхши биладиган мутахassislar

бўлиб, корхонада барчанинг хурматини қозонган экан. «Бундай ўзига ишонган кишилар кимлардагир ёқади, кимлардагир йўқ», дейишиди жамоадошлари.

Касаба уюшмаларининг аралашви билан ишлаб чиқариладиган ахборот-кутубхона ресурслари тадбиркорлик субъектларидаги ўз хизмат вазифаларига қўйиб кетган...

Касаба уюшмаси аралашгач...

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

Эътироф

Энг яхши маъруза

Ёритилган мавзуни лойиҳа даражасида ишлаб чиқиш ва кутубхоналarda жорий қилиш таъсиси билдирилди.

Тадбир якунида С.Эшонкуловага «Энг яхши маърузачи» сертификати ва эсдалик совфаси топширилди.

Муқаддас РАЗОҚОВА,
«ISHONCH»

мнемотехника усулларидан фойдаланиш мавзусидаги маърузаси энг қизиқарли ва долзарб маъруза деб топилди.



ҚАЛБИМИЗ ОЛДИДА ЮЗИМИЗ ЁРУФ(МИ?)

*«Ishonch» газетасининг 2021 йил 18 маийдаги сонида чот қилинган
«Копқоқ остида сөвғами ёғафо?...» сарлавҳали мақолани ўқиб...*

Xамасбим – ёш келин таажхуб ва таасус билан гап бошлиди:
– Кариндошизмизнинг ўёли уйлангач, ичкую бўлиб яшаётганди. Кечакаси бизнисига меҳмон бўлиб келганида кудаси ўғлига енгил машина олиб бергани ҳақида боши осмонга етгудай бўлиб, кувончга тўлиб гапирди... Мен йигиткиши қайнотасининг бунака катта совғасини охиржамлик ва курсандчилик билан қабул қўлганни хеч ақлимга сидормаяпман...

„Алоҳ рахматига олур Қозоқвойжо бобом ўйил-қизларини йўқлаб борганида хеч қачон дарвозадан кира солиб, набирага совға-салом улашмас экан. Келтирган нарсаларини ўй бекасига топшириб, «Буларни набираларимга худди ўз уйингиздан олиб чиқкан каби беринглар. Агар меҳмонлар остона хатлабоқ, кичиналарга нималардир бераверса, болалар бунга ўрганиб, келган одамнинг кўлига қарайдиган бўлиб қолади. Худо кўрсатмасин, уларни таъмагирликка ўргатмайлик», дер экан.

Жойлар жаннатда бўлгур онажоним эса тўй-мәвралалар дастурхонидан айрим аёлларга ўхшаш чўнтакларида нималардир солиб келмасди. Бэъзилар: «Болаларингизга оғизни ширинлик олинг. Бошқалар оляпти-ку», деса, «Ўзимиз меҳмон бўлдик, шукр», дер экан.

Биз улғайиб, фарзандли бўлганимизда, онажоним бу одатлари моҳиятини яхшилаб тушиунирганди: «Болага бугун бирорнинг дастурхонидан сўраб-сўрамад нимадир олиб келиб берсан, эртаги кун ҳам бор-ки. Эртага у борига қаноат қиммадидяна нималардир кутимаган жойдан тайёрнига келиб қолишидан ёки қаёқладир борсанг, ўша ердан нимадир кўтариб келишиндан умидвор бўлиб қолиши мумкин».

«Бирорнинг таомига назар солма», «Ерда тушиб ётган нарасиим олма», «Бирорнинг нарасини ўйга кўтариб келма», «Чакрилмаган жойга борма», «Қорининг оч бўлса ҳам, назарин тўк бўлсин»... Бизнингча, катта авлондини бундай пандана сизатлари сурийётларини тамагир, турурсиз, ўз нафиса қул бўлишдан ор-ҳазар килишиш чорловчи талаблари бўлиб келган.

Шу сатрларни ёзар эканман, бир қўшнимминг яқиндагина менга дил ёргани ёдимга тушди: «Арафа куни бир неча тугунда егуликлар, қайнонасига, қизим ва куёвимга совфалар билан ҳайтилжик жўнганди. Кудам: «Биттагина қиз бўлсанг ҳам онанг яхши нарсалар юбормабди», деб таъна қилибди. Ҳомиладор қизим асабайлашгани, шифохонага тушиб қилиби...».

Афос, бу гаплар янгилик эмас. Ёшларнинг ўзига келин ёки кўёб танлашада бойлини, мансабни, куда томоннинг катта ташкилотларда таниш-билиши, бор-йўқлигини асосий мезон қилиб олиши баъзи ҳамюрларимиз учун оддий ҳолга айланниб қолди. Оиласиб ришталарни шулар

асосида боғламоқчи бўлгандар аслида бир-бирининг ана шу жиҳатларидан мангафат кутатгандарид. Яням аникориги, улар соғлом ва мустаҳкам оила куриб жамиятга мунособ фарзандлар тарбиялашни эмас, балки никоҳ, боғламоқчи мұқаддас ишда ҳам фақат шахсий-машиши эхтиёжларини қондиримоқчи бўлган тамагир, орятисиз, андишасиз кишилардир. Бу иллатлар кимлардадир энди-энди куртак отаётган бўйса, кимлардадир ал-қадачон говлаб кетган.

Куда-андалар, қариндош-уруглар, қўни-қўшиналар, ҳамкаслар, савдо ходимию харидорларнинг ўзаро муносабатида тез-тез учраётган, борган сари наинки инсоф-диенат, балки одамийликнинг оддий қондадарига ҳам тўғри келмайдиган – қўюшконларни-да вайрон қиласидан ҳолат-вокеалар кўз ўнгимизда: бир кулоч ер талашиб туғишнандар бир-бирини судга берган... Пўлдор ота мактабдаги баъзининг ҳам ўзи хоҳлагандага қўйдирб олишини ошкорга гапиришдан уялмайди...

Дарвоҷе, яқинда қўйидаги воқеанинг гувоҳи бўлдик: тўрт қавати ўйнинг юқори қаватига қўйич келган бир оила аъзолари ўша подъездда яшайдиган қўшиларнадан сўрамай, томға чиқишига мўлжалланган умумий йўлак кулф-калини янгилаб, ўзиники қилиб олди. Маҳалла кўмитаси, ЖЭК, маҳалла маъсъларни ички ишлар бўйими вакилларию қўшиларни пазандалар, каштацилар, дехқонлар, шоирни санъаткорлар – барча барчасини меҳнату маҳорати, изланиши, ҳалоллиги, эришган натижаларига қараб, саралаб олганлар, олқишиланлар, мукофотларнан, сийлаганлар. Бундай адолатли, натижаси ҳайрли бўладиган ҳайётин анъаналар ҳикматини мулоҳаза килганини сайнинг минг-минглаб боловларни, бъаъзда ота-оналарни ҳам чиқитга ташланши керак бўлган ёки ташланган копқўяларни йигиштириб, қандайдир қозғозга беркитилган рақамларни очиб, инсон қалбига заррача зиё бермайдиган акцияларда иштирок этиб, совғалар ютиб

ётиб кўйилгани, иккى кулоч жой кимгандир ўтиб кетани эмас, балки янги қўшинини бу қадар худбин, утсиз, бурни тагидан нарини кўролмаслиги ҳайратланарди ва ачинарни ҳолдир.

Юқоридагиларни ўқиб айrim кишилар: «Муаллиф «Қопқоқ остида сөвғами ёғафо?...» мақоласи ҳақида сўз бошлаб, бўшка тономга ўтлағ кетди», деб ўйлаётган бўйишлари мумкин. Лекин... Жамият тараққиётини иктидорлар камолига, соғлом оиласлар вужудга келишига, эркин ижобий баҳусу мусобақаларга тушов бўладиган коррупция, пораҳўрик, адолосатлилар, бемехрлик ва шафқатсизлик каби иллатларнинг туб илдизлари аслида инсон қалбидан қаёндидан тишилашга интилишига, бошқалар иотигуҳи ҳасад қилиши уларнинг топнагига кўз тикишга бориб тақалади.

Аҳждодларимиз узуда ғолиб чиққанларни, Қуръон мусобақаларида тиловати гўзларни хунармандлар орасида кўли гулларни... пазандалар, каштацилар, дехқонлар, шоирни санъаткорлар – барча барчасини меҳнату маҳорати, изланиши, ҳалоллиги, эришган натижаларига қараб, саралаб олганлар, олқишиланлар, мукофотларнан, сийлаганлар. Бундай адолатли, натижаси ҳайрли бўладиган ҳайётин анъаналар ҳикматини мулоҳаза килганини сайнинг минг-минглаб боловларни, бъаъзда ота-оналарни ҳам чиқитга ташланши керак бўлган ёки ташланган копқўяларни йигиштириб, қандайдир қозғозга беркитилган рақамларни очиб, инсон қалбига заррача зиё бермайдиган акцияларда иштирок этиб, совғалар ютиб

олишига тарғиб қилиниши қанчалар уяти, аламли, тарбияга зид эканини чуқурроқ ҳис этасан.

Яқинда ишонланган ийд Рамазон кунлари ижтимоий тармоқларда ёритилган ва анча шов-шувларга сабаб бўлган воқеани – бир «бойвачча»нинг атрофида тўпланиб турганларга пул сочишини ва давордагиларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб, қалбимни доимий оғрикли савол яна тирнаб ўтди: «Наҳотки, шунча одам орасидан шаҳд билан чиқиб, «Эй, нима қиляпсан? Сен кимсан ўзи? Қўчилкининг ўстидан кулишга нима ҳақингор бор?» дейдиган уч-турт киши топилмаган бўлса!».

Келинг, «Кўп гапириляти, аммо фойдаси ўйк», «Барбири, буни ҳеч ким эшишмайди» каби ноҷорлик, таслимликка ҳозирлик туйғуси кишинадан қалбимиз, тилимиз, журъатимизни озод этийлик. Уламоларнинг айтишларича, хотүғри ишга тўғридан-тўғри қаршилик қилиш – имоннинг бутунлигидан, қайси дир иш хотүғриларини кўра-била турб, уни фақат қалбагина инкор этиш имоннинг сустлигидан далолатдир. Жамият эса имони бутун шахсларни шунчалар согинди-ки...

Шундай шарағфа интилмок, унга эришмок билан ўз қалбимиз олдида юзимиз ёрў бўлиб яшасак, қандай саодат!

Муҳтарама УЛУФОВА,
Республика маънавият ва маърифат маркази
масъул ходими

Акс садо



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигидан
116-бис билан
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва
«Ishonch-Доверие»
газеталари таҳрир ҳайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ
(тахрир ҳайъати rais).

Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМОХТОРОВ,
Сайфуло АХМЕДОВ,
Акмал САЙДОВ,
Равшан ДЕБИЛОВ,
Кутлимуров СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоҳжон ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидула ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ

(боз мухарринин биринчи ўринласари),
Темур МАМАЖОНОВ
(боз мухаррир ўринласари – «Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳридин ШУҚУРОВ
(боз мухаррир ўринласари – «Ishonch-Доверие»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(боз мухаррир ўринласари – «Ishonch-Доверие»)

Бош мухаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба ўшомлалари ҳаёті – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриялар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирилар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон
Республика Президентининг
фармон ва қарорлари, энг сўнгига
янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар,
хабарларнинг тўлиқ матни
билин танишишингиз мумкин.

Худудлардаги мухбирилар:
Коракалпогистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андиқон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Буюк вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-28
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондэр вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғон вилояти – (+998-99) 889-98-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган матбуотларда
манба сифатида тақдиматни
қўрсатилиши шарт.

Муаллилар фикри таҳририят
нуктаси назаридан
фарқланиши мумкин.

Навбати мухаррир:
А. Абдураҳмонов

Мусахҳих:
А. Абулфайзов

Саҳифалови:
Х. Абдузалилов

Босишига топшириш вақти – 21:20
Топширилди – 21:40

Газета оғсиз усулда, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоб. Бўйи Г – 506.

30368 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткаш – 13

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100160, Тошкент шаҳри,
Бўхоро кўчаси, 24-й.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета хафтанинг сесанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида териди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашириёт-матбаса акциядорлик компанияси билан шахисдан берилди.

Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-й.

Таҳририят ҳисобраҳами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТБ «Ipotek bank»
Яшнодофилия,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКД: 58130

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартағида «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиши орқали аҳолини ўй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чоратадирлар тўғрисида»ги ПФ-6186-сонли фармони ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам ўй-жой билан таъминлаш мақсадида:

«ҚИШ